

# МАВЗУ:

**АҲОЛИ ВА ХУДУДЛАРНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ РЕЖАЛАРИ.**

**ЁНГИН ВА ПОРТЛАШ СОДИР БЎЛГАНДА  
ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲАТТИ-  
ҲАРАКАТЛАРИ.**

# РЕЖА:

1. Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш режалари, уларнинг тузилиши, унга қўйиладиган талаблар.
2. Ёнғин ва портлаш содир бўлганда фуқароларнинг ҳатти-ҳаракатлари.
3. Жароҳат олган фуқароларга, куйган ва шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби.


# Аҳоли турар жойлари ҳудудини лойиҳалашда ёнғин хавфсизлиги

- Аҳоли турар жойлари ҳудудий бош тархини лойиҳалашда, санитария ва ёнғин хавфсизлиги муаммолари, иқтисодий мутаносиблик билан биргаликда эчилиши лозим, яъни одамларни ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш билан баробар, бирқатор қуйидаги тадбирларни бажарилиши шарт ҳисобланади, жумладан:
  - аҳоли турар жойлари ҳудудини саноат корхоналари чегарасидан санитария ҳимоя масофаси билан муҳофизалаш;
  - турар жой бинолари ва жамоа бинолари ўртасидаги рухсат этилган санитария ва ёнғин хавфсизлиги талаблари бўйича минимал ҳимоя масофасини таъминлаш;
  - ўт ўчириш механизмларини ўз вақтида ишлашлиги учун, сув хавзаларига ёки гидрант қудуқларига яқин ёндошаолишини таъминлаш;
  - ёнғин депосини жойлаштиришда уларни ўт ўчириш пайтида ҳар бир бино ва иншоотга яқин бораолиш имконини берувчи йўллар билан таъминлаш ва б.қ.

- Қурилиш меъёрлари саноат корхоналарини аҳоли яшайдиган ҳудудларда жойлаштиришни таъқиқлайди. Аҳоли яшайдиган, ҳарқандай қишлоқ ва шаҳар ҳудуди чегарасида зарарли чиқиндилар чиқарувчи ёки ёниш ва портлаш хавфи мавжуд бўлган ишлаб чиқориш корхоналарини жойлаштириш маън этилади.
- Саноат корхоналарининг ҳудудий чегарасидан то турар жой ва жамоа биноларигача бўлган оралиқ масофани, корхоналарнинг хавфлилик синфига биноан санитария қоидалари ва меъёрлари белгилайди.
- Ишлаб чиқариш базалари ва уларга тегишли омборхоналар, аҳоли яшайдиган ҳудуддан ташқарида жойлаштирилади. Нефт маҳсулотлари сақланадиган базалар дарё, анҳор ва зовурларни ҳудуд чегарасидан чиқиш жойларидаги қирғоқидан анча паст бўлган, чуқурликларда жойлаштириш лозим, токи авария ҳолатида нефт маҳсулотлари дарё ўзанига оқиб тушмасин.

- Замонавий шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли яшайдиган маҳаллаю даҳалардаги кўп қаватли биноларнинг орасидаги санитария оралиқ масофалари, ёнғин хавфсизлиги меъёри талаб қиладиган ёнғинга қарши узилиш масофасидан бирнеча марта катта бўлиши сабабли иккала меъёр талабларини қондираолади.
- Турар жой массивларида бино ва иншоотлар орасидаги масофа ёнғин хавфсизлиги ва инсолятсия талабларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Лойиҳалаш жараёнида иккаласи учун ҳам ҳисобланади ва уларнинг энг каттаси қабул қилинади.
- Бинолардаги дераза орқали ёритиладиган хоналарнинг кунига 3 соатлик инсоляцияланиш шартига биноан, бино ва иншоотлар орасидаги масофа, дераза қаршисидаги иншоотнинг баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

# Бинолар орасидаги ёнғинга қарши масофани аниқлаш



- Ёнѓинга қарши оралиқ масофа, ёнѓин пайтида ўт ўчириш ускуналарини ишга тушириш имконини берувчи вақт оралиѓида, ёнаётган бинодан чиқаётган иссиқлик нурлари таъсирида атрофдаги биноларда ёнѓин содир бўлмаслигини таъминлаёладиган бўлиши лозим. Ёнѓин шароитида қўшни бинога узатилиши мумкин бўлган иссиқлик миқдорини, иссиқлик узатиш қонуниятига биноан қуйидаги ифода орқали аниқланади

$$\quad \quad \quad \blacksquare \quad \quad \quad \mathbf{Q_c C [(T_a/100)^4 - (T_c/100)^4] \Phi_a \mu_a} \quad \quad \quad (24)$$

- бунда **C**- келтирилган нурланиш коэффисенти;
- T<sub>a</sub>**- аланганинг ўртача ҳарорати, оС;
- T<sub>с</sub>**- қўшни бинонинг максимал рухсат этилган харорати, оС;
- **Φ<sub>a</sub>**-алангаланаётган сиртнинг қарама-қарши бино сиртига тушаётган акси, м<sup>2</sup>;
- **μ<sub>a</sub>**- аланга ўлчамлари ва ҳарорат тарқатувчи манбаънинг нурланувчи сиртга нисбатан ўзаро жойланишидаги бурчак коэффиценти.
- Формула (24) ни иккала томонини Φ<sub>a</sub> га бўлсак, қуйидаги ифода орқали нурланиш тезлиги **g**, В/м<sup>2</sup> ни ҳисоблаш мумкин бўлади


$$\quad \quad \quad \blacksquare \quad \quad \quad \mathbf{G_c C [(T_a/100)^4 - (T_c/100)^4] \mu_a} \quad \quad \quad (25)$$

- Бинолар орасидаги ёнғинга қарши оралиқ масофа этарли даражада бўлмаса, хисобий нурланиш тезлиги,  $g$  ни баъзи қурилиш ашёларига тегишли,  $g_{min}$  дан ошиб кетиши, қўшни бино сиртидаги қурилмаларни алангаланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.
- Ёнаётган иншоот билан қўшни бўлган бинонинг ёнғин хавфсизлиги формула (25) ёрдамида хисоблаб топилган нурланиш тезлиги қуйидаги тенгсизлик, яъни  $g > g_{min}$  бажарилгандагина таъминланган бўлади.
- Юқоридаги ифода (24) ни баъзи математик шакл ўзгартиришлар натижасида бино ва иншоотлар орасида ёнғиндан хавфсиз бўлган масофаларни аниқлаш формуласини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:
  - $R \leq k \Phi_a$  (26)
- Бунда  $k$ -ёнғин пайтида ҳарорат олмашиниш шароитини хисобга олувчи коэффицент.



# КУЙИШДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

- Куйиш деб – тўқималарнинг юқори ҳарорат (термик куйиш), ва кимёвий моддалар (кимёвий куйиш) таъсирида шикастланишларига айтилади. (9-расм)



- **Термик куйиш** – тўқималарга юқори ҳарорат, иссиқ, буғ, сув ва бошқалар таъсир этганда рўй беради.
- Куйишнинг биринчи даражаси унчалик юқори бўлмаган термик омилнинг қисқа муддатли таъсирида кузатилиб, терининг қизариши ва озгина шишиши билан характерланади. Куйишнинг бу даражасида тери капилларлари кенгаяди ва қоннинг суюқ қисми (плазмаси) атрофдаги тўқималарга чиқади. Ўтиш муддати 2-3 кун бўлиши мумкин. Куйган жойда тери пигментацияси ва кейинроқ эпидермеснинг кўчиб тушиши кузатилади. Куйишнинг II даражаси пуфаклар пайдо бўлиши билан характерланади .
- Куйишнинг бу даражасида яллиғланиш бир мунча рўй-рост юзага чиқади. Куйишда биринчи ёрдам беришда аввало шикасланган кишини қалин матога ўраш зарур. Куйишда кийим бош ечилмайди, балки қирқилади. Асептик боғламлар қўйилади ва даволаш муассасасига юборилади.

- **Кимёвий куйиш** – термик куйишга нисбатан бирмунча кам учрайди. Бу тўқималарда кимёвий моддалар (кислоталар, ишқорлар, оғир металлларнинг тузлари, фосфор ва бошқалар) таъсир этганда рўй беради. Кимёвий моддалардан куйиш ишлаб чиқаришда ҳам, турмушда ҳам кўпинча кимёвий моддаларни пала-партиш ишлатиш оқибатида юз беради.
- **Биринчи ёрдам** – кимёвий моддани кучли сув оқими билан тез ювиб ташлашдан бошланади. Модда қолдиқларини эса нейтраллаш керак. Кислоталарни нейтраллаш учун 2% ли ичимлик сода эритмаси қўлланилади. Қаттиқ куйишда бу соҳага бўр кукуни сепилади. Ишқорларни 2% ли сирка кислота ёки лимон кислота эритмаси билан нейтралланади. Теригша ёниб турган фосфор бўлакчалари тушганда гавданинг бу қисмини сувга ботириб туриш ва фосфор қолдиғини пинцет билан олиб ташлаш керак. Шикастланган соҳага 5% ли мис купроси эритмасига ҳўлланган боғлам қўйилади ёки талк кукуни сепилади. Фосфорга қарши турли хил пасталар яхши наф беради.

# Назорат саволлари

1. Портлаш нима?
2. Портлашнинг зарар етказувчи омилларига нималар киради?
3. Аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиш режаларига, уларнинг тузилишига, уларга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
4. Ёнғин ва портлаш содир бўлганда фуқароларнинг ҳатти-ҳаракатлари нималардан иборат бўлиши керак?
5. Жароҳат олган ва шикастланган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби нималардан иборат?
6. Қуйган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби нималардан иборат?